*Шартнома №* 82

"29" июл 2022 йил                                                    **Навоий шахар**

**МЧЖ «Sangbur Tex»** (**"Таъминотчи"** деб юритилади ) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи рахбар **Косимов А.И,** хамда иккинчи томондан Навоий ш. хокимлиги номидан Низом асосида фаолият курсатувчи рахбар М.Эгамбердиев ушбу шартномани тузадилар.

## 1.ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

1.1 Ушбу шартнома буйича **"Таъминотчи"** **"Истеъмолчи"** нинг буюртмасига асосан белгиланган товар махсулотларни юклаб беради. "Истеъмолчи" эса ушбу махсулотларни белгиланган тартибда кабул килиб олади.

1.2 Товар "Таъминотчи"нинг мулки хисобланади, у гаровга куйилмаган ва учинчи шахснинг даъволаридан холидир.

1.3 "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи учун: (товарнинг номи, маркаси, артикули)

| № | Наименование | Ед.изм. | К-во | Цена | Цена (сум с НДС) | Умумий суммаси (сумда) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Темир эшик | шт | 14 | 2 990 000 | 41 860 000 | 41 860 000 | |
| | **Жами** | | | | 41 860 000 | 41 860 000 | |

**Сумма: Қирқ бир миллион саккиз юз олтмиш минг сўм.**

(кейинги уринларда "Товар" деб юритилади) ва унга оид хужжатларни "Истеъмолчи"га мулк килиб топширади, Истеъмолчи" эса мазкур шартнома шартлари асосида мазкур товарини кабул килади ва хакини тулайди.

## 2.ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

**"Таъминотчи" нинг мажбуриятлари:**

2.1 Товарнинг етказиб бериш муддати тулов амалга оширилган кундан бошлаб **5 ( Беш)** кун ичида етказиб берилади.

2.2 Товарни ва унга оид хужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида "Истеъмолчи"га топширилади.

**"Истеъмолчи" нинг мажбуриятлари:**

2.3 Товарни 1 кун муддатда куздан кечириш. Товарнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аникланган такдирда, "Истеъмолчи" шу муддатда "Таъминотчига"га аникланган мувофиклик хакида маълумотномаларни акс эттирувчи хабарнома(рекламация) юборади.

2.5 Шартномада белгиланган нархларда товар хакини тулайди.

## 3. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ -КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1 Мазкур шартнома суммаси **Қирқ бир миллион саккиз юз олтмиш минг сўмни** ташкил этиб, товарнинг хар бирлиги учун сумда хак туланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб - китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30 % маблагни тулаш ва товар кабул килинган пайтдан бошлаб 30 кун ичида колган қисмини тўлаш йўли билан амалга оширилади.

## 4.ТОВАРНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

4.1.Ушбу шартнома шартларига мувофик товар етказиб берилади..

4.2. Товарни тасодифан нобуд булиши ёки тасодифан шикастланиш хавфи товар топширилган пайтдан бошлаб "Истеъмолчи"га утади.

4.3. "Истеъмолчи" товар махсулотларини кабул килиб олишда товарни тулик эмаслиги сифатсизлиги аникланган такдирда ушбу махсулотларни кабул килиб олмаслик хукукига эга.

4.3. Товарни ташиб олиш "Истеъмолчи" томонидан амалга оширилади..

## 5.ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ.

5.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Навоий шахар Газначилик булинмасида руйхатга олингандан бошлаб конуний кучга киради ва амал килиш муддати "31" декабрь 2022 йил гача этиб белгиланади.

## 6.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга кучириб берилган суммани тулик кайтаради ва 2% микдорда жарима тулайди:

6.2. Тулов 30 календар куни мобайнидан кечиктирилса "Истеъмолчи" хар кечиктирилган кунга тулов суммасининг 0,1 % микдорида, лекин ушбу сумманинг 30 % дан ошмаган микдорда тавон(пеня) тулайди.

6.3. Бокимандани тулаш тарафларни шартнома буйича уз мажбуриятларини бажришдан озод килмайди.

6.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Узбекистон Республикасининг амалдаги Конун хужжатларига мувофик белгиланади.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ

*7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар уртасида келиб чикадиган низо ва зиддиятлар тарафлар уртасида музокаралар олиб бориш йули билан хал этилади.*

*7.2. Музокаралар олиб бориш йули билан низони хал этиш имконияти булмаган такдирда Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида тегишли суд органларга мурожаат этилади.*

## 8. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

*8.1. Томонларнинг хохиш-истагига мутлако боглик булмаган холларда (Нокулай об-хаво шароитлари, зилзила ,сув тошкинива бошка табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки кисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тулаб берилмаган)лиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб хисобланмайди ва ушбу холатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.*

## 9.БОШКА ШАРТЛАР.

*9.1. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига мувофик ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда иккинчи тарафнинг талаби билан бекор килиниши мумкин. Шартномани бир тарафлама бекор килиш ёзма таклиф бериш йули билан амалга оширилади.*

*9.2. Тарафлар узларининг юридик манзиллари ва бошка реквизитлари узгарганлиги хакида бир-бирларини 5 кунлик муддатда хабардор килишлари шарт.*

*9.3. Шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган холдагина хакикийдир.*

*9.4. Шартнома икки нусхада тузилган булиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга хисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.*

*9.5. Шартномага иловалар унинг ажралмас кисмини ташкил этади.*

## ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ.

| "Таъминотчи" | "Истеъмолчи" |
|---|---|
| **МЧЖ «Sangbur Tex»** | Навоий шахар хокимлиги |
| Юридик манзилгох:Навоийская область Карманинский р-он Варк Махалла | Юридик манзилгох: А.Темур 4 |
| Х/р: 2020 8000 1053 4005 6001 | Х\р 1000 22860124017105110018001 |
| Банк н:Навоий шахар "Ипатека банк". | Банк номи: Тош. ш. Марк банк ОКЕМ |
| Банк коди(МФО) 00205 | Банк коди(МФО) 00014 |
| ИНН: 308169179 | ИНН: 200006018 |
| ОКЭД:43390 | ОКЭД: |
| ККС коди | ККС |
| **Рахбар** ____ **Косимов А.И** (имзо) | **Рахбар** ____ М.Тошкулов (имзо) |
| М.У. | М.У. |
| | Ш.Худайбердиев |

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 122099 на приобретение Етим болалар ва ота-она карамогидан махрум булган балоларни давлат томонидан куллаб-куватлаш тизимини жорий этиш максадида хонадонларга дераза ва эшиклар урнатиш

Способ проведения электронный

Дата 27.07.2022

Время рассмотрения 25.07.2022 12:34

Конкурсная комиссия Навоий ш хокимияти, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | EGAMQULOV MURATXAN XXX | Хоким | Комиссия раиси |
| **Секретарь комиссии** | BO'MATOVA MUHABBAT UTKIROVNA | Бош хисобчи | секретар |
| **Член комиссии** | XUDAYBERDIYEV SHAKIR ORTIKOVICH | Бош юрисконсуль | Навоий шахар хокимлиги |
| **Член комиссии** | SAMIYEV FAYYOZJON BAXRIDINOVICH | Бош мутахасис | Навоий шахар хокимлиги |
| **Член комиссии** | SHODIYEV MEHRIDDIN SHAROFIDINOVICH | Етакчи мутахассис | Камиссия азоси |
| **Член комиссии** | XUSHVAKOV AZIMJON ZAFAROVICH | Девонхона мудири | Комиссия азоси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.07.2022 года № лота 122099.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Дверь металлическая** |
|---|---|
| Подробное описание | Етим болалар ва ота-она карамогидан махрум булган балоларни давлат томонидан куллаб-куватлаш тизимини жорий этиш максадида хонадонларга дераза ва эшиклар урнатиш |
| Количество товара | 14.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 3 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 42 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Банкдан карздорлик тугрисидаги маълумотнома, 2) ДСидан карздорлик йуклиги тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Банкдан карздорлик тугрисидаги маълумотнома, 2) ДСидан карздорлик йуклиги тугрисида маълумотнома

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП AVTO PORLOQ KELAJAK 2020 | 25 | Банкдан карздорлик тугрисидаги маълумотнома, | 23 | Экспертная | | |
| ООО SANGBUR TEX | 25 | Банкдан карздорлик тугрисидаги маълумотнома, | 24 | Экспертная | | |

Критерий №2 Банкдан карздорлик тугрисидаги маълумотнома, 2) ДСидан карздорлик йуклиги тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Банкдан карздорлик тугрисидаги маълумотнома, 2) ДСидан карздорлик йуклиги тугрисида маълумотнома

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП AVTO PORLOQ KELAJAK 2020 | 25 | ДСидан карздорлик йуклиги тугрисида маълумотнома | 20 | Экспертная | | |
| ООО SANGBUR TEX | 25 | Банкдан карздорлик тугрисидаги маълумотнома | 21 | Экспертная | | |

Критерий №3 1) Товар сифати буйича кафолат хати (Кафолат муддати аник курсатилган холда

Тип: Текстовое значение

Описание: 1) Товар сифати буйича кафолат хати (Кафолат муддати аник курсатилган холда

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП AVTO PORLOQ KELAJAK 2020 | 25 | Товар сифати буйича кафолат хати | 22 | Экспертная | | |
| ООО SANGBUR TEX | 25 | Товар сифати буйича кафолат хати | 23 | Экспертная | | |

Критерий №4 Ташкилот низоми, 2)Гувохнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот низоми, 2)Гувохнома

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП AVTO PORLOQ KELAJAK 2020 | 25 | Ташкилот низоми, 2)Гувохнома | 21 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SANGBUR TEX** | 25 | Гувохнома | 22 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП AVTO PORLOQ KELAJAK 2020** | 42 000 000.00 | 41 988 800.00 UZS | 41 988 800.00 | 00.00 | 41 988 800.00 | 25.07.2022 09:23:54 | 19.94 |
| **ООО SANGBUR TEX** | 42 000 000.00 | 41 860 000.00 UZS | 41 860 000.00 | 00.00 | 41 860 000.00 | 25.07.2022 09:51:07 | 20.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ЧП AVTO PORLOQ KELAJAK 2020** | 68.8 | 19.94 | 88.74 |
| **ООО SANGBUR TEX** | 72 | 20 | 92 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 122099 от 27.07.2022 года на приобретение Етим болалар ва ота-она карамогидан махрум булган балоларни давлат томонидан куллаб-куватлаш тизимини жорий этиш максадида хонадонларга дераза ва эшиклар урнатиш определила победителем:

ООО SANGBUR TEX
308169179

и резервный исполнитель: ЧП AVTO PORLOQ KELAJAK 2020 (306693843)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | EGAMQULOV MURATXAN XXX | Согласен | |
| **Член комиссии** | SAMIYEV FAYYOZJON BAXRIDINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XUDAYBERDIYEV SHAKIR ORTIKOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHODIYEV MEHRIDDIN SHAROFIDINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XUSHVAKOV AZIMJON ZAFAROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Навоий шаҳар ҳокими**
**____________ М.Эгамқулов**
**"_05_" __07___________2022 йил**
**М.Ў**

Навоий шаҳарида "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат тамонидан қуллаб-қуватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисидаги Навоий шаҳар ҳудудидан олинган" хонадонлага (Акфа) эшик деразa ромларини ясаб ўрнатиб бериш учун сотиб олиниши керак бўлган товарлар хақида

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

| **№** | **Асосий маълумотлар** | **Бажарувчи** |
|---|---|---|
| **1** | Объект номи | Навоий шаҳар ҳокимлиги Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари хонадонлари учун |
| **2** | Буюртмачи | Навоий шаҳар ҳокимлиги |
| **3** | Буюртма учун асос | Ўзбекистон Республикаси вазирлар махкамасининг қарори ҳамда вилоят ҳокиминиг фармойиши |
| **4** | Объектнинг жойлашган ўрни | Навоий шаҳар ҳокимлиги |
| **5** | Қатнашувчилар учун талаблар | Тезкор ва сифатли (Акфа) эшик дераза ромларини ясаб ўрнатиб бериш |
| **6** | Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари | Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома |
| **7** | Бажарилган ишлар хисоб-китоби | Маҳсулот етказиб берилгандан сўнг маблағ 70% тўланади счёт фактурага асосан |
| **8** | Ишни бажариш муддати | 2022 йил июль ойида |
| **9** | Техника хавфсизлиги бўйича талаблар | Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тула риоя килиши шарт |
| **10** | Молиялаштириш манбаи | Навоий вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари |

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Навоий шаҳар ҳокими
_____________ М.Эгамқулов

# Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Навоий - 2022 йил

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

## I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

## II. Техник қисм

## III. Нархлар қисми

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Навоий шаҳар ҳокимлиги "Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари" хонадонларинии Эшик дераза ромларини ясаб урнатиб бериш.

1.2. Танловнинг юкори қиймати – **42 000 000 (Қирқ икки миллион)** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун ичида

1.5 Махсулотни етказиб бериш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Навоий шаҳар ҳокимлиги** (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Навоий вилояти Навоий шаҳар А.Темур -4 уй

Эл.адрес: navoi@nv.uz

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Навоий шаҳар ҳокимлиги** "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.